

## **WINTER IS THE PURPOSE AND MEANS OF WINTERING.**

**Shahlo Babakhodjaeva Mukhitdinovna**

Tashkent State Pedagogical University (Tashkent State University named after Nizami)  
Pedagogical University) Lecturer at the Department of Foreign Languages in Social and Humanities

**Annotation:** This article provides a linguistic didactic analysis of methodological scholars` views on classification of reading and its teaching.

**Key words:** international experience, evaluation program, development of attention, memory expansion, lexical challenges.

## **ЎҚИШ - ЎРГАТИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВОСИТАСИДИР.**

**Шахло Баҳоҳоджаева Мухитдиновна**

ТДПУ(Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети) «Ижтимоий - гуманитар йўналишларда хорижий тиллар » кафедраси  
ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада нутқ фаолияти турларидан бири ўқишининг таснифи ва ўқувчиларга ўқиши ўргатиш борасидаги методист олимларнинг фикрлари лингводидактик таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** ҳалқаро тажриба, баҳолаш дастури, дикқатнинг ривожланиши, хотиранинг ўсиши, лексик қийинчилик.

**Аннотация:** В данной статье анализируются лингводидактические взгляды методистских учёных на один из видов речевой деятельности в классификации чтения и обучения.

**Ключевые слово:** международный опыт, программа оценивание, развитие внимание, расширение памяти, лексическая сложность.

Мамлактимизда таълим сифатини баҳолашда янгича мониторинг тизимини ҳалқаро баҳолаш дастурлари ёрдамида аниқлаш ва қиёслашга асосланган тизим шаклланмоқда. Таълим сифатини баҳолаш бўйича ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш, мавжуд тизим билан қиёсий ва ҳар томонлама таҳлил килиш, тегишли йўналишдаги ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар, агентликлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, таълим сифатини баҳолаш бўйича ҳалқаро лойиҳаларни жорий қилиш, замон талабларига жавоб берадиган муносаб миллий баҳолаш тизимини такомиллаштириш мухим саналади.

Шунга мувофиқ, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида таълим сифатини баҳолаш бўйича ҳалқаро тадқиқотларни амалга ошириш Миллий маркази ташкил этилди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиши салоҳиятини ошириш борасида ҳалқаро ташкилотлар OECD (The Organization for Economic Co-operation Development- иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ташкилоти) билан PISA (Programme for International Student Assessment) - 2021 ҳалқаро баҳолаш тадқиқотларида иштирок этиш бўйича келишувга эришилган эди. PIRLS (Progress in International Reading Literacy Study- ҳалқаро ўқиши саводхонлигини ўрганишдаги юксалиш) - бу турли мамлакатларда бошланғич синфа даҳсил оловчи ўқувчи ёшларнинг матнни ўқиши ва тушуниш даражалари сифатини баҳолаб берувчи ҳалқаро баҳолаш тизимиdir. Ушбу синов тури ҳар беш йилда бир марта ўтказишга мўлжалланган бўлиб, унинг охирги 2016-йилги тадқиқотлари натижаларига кўра Россия Федерацияси етакчилик қилмоқда. Ушбу етакчи давлат томонидан мазкур лойиҳа бўйича

халқаро семинар ва трейнинглар ташкил қилинди, бизнинг мамлакатимиздан ҳам етакчи методист педагоглар ушбу семинар трейнингларда қатнашиб ўзига керакли бўлган маълумотларга эга бўлишиди. Ҳозирда улар мамлакатимизга лойиҳа бўйича ўзининг ўрганганларини татбик қилишмоқдалар. Мамлакатимизнинг ушбу PIRLS-2021 халқаро рейтингида қатнашиши бошланғич синф ўқитувчилари олдига масъулиятли вазифалар қўйди. Зеро, айнан бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш салоҳиятини яхшилаш ва матн мазмунини тушуниб ўқиш, уларда икки ҳалқ ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, дўстлик ришталарини бир-бирига боғлаш, икки ҳалқни янада бир-бирига яқинлаштириш ва ўзининг келгусидаги хизматини кўрсатиши каби тасаввурлар ривожланишига ундайди.

Бошқа тилларни ўрганишда она тили воситаси ҳисобга олинади, чунки эрта болалиқдан теварак-атрофдагиларга тақлидидан ўрганиладиган ва шахс тафаккури ривожланишида ушбу тилга суюнилади.

Ўқиши ўргатиш жараёнида нутқий фаолиятнинг етакчи турларидан бири сифатида ўқишига жиддий эътибор қаратилиши зарур. Чунки ўқиш нафақат зарурий кўнікмаларнинг эгаллаш воситаси, балки турли харакатлардаги маълумотлар манбасидир. Ўқиш - ўргатишнинг мақсади ва воситасидир.

Келгуси фаолиятдаги ўқишида олинадиган ахборотдан фойдаланишга мўлжалланган классификация (тасниф) бутунлай бошқа мезонларга асосланади. Айни шундан тушунишнинг тўлиқлиги ва аниқлиги даражасини ғайрииҳтиёрий белгилаш амалга ошади.

Мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам ўқиш муаммоси бўйича қатор тадқиқотлар бевосита ўқиши жараёнининг моҳиятини, унинг замиридаги механизmlарни, хорижий тилда ўқиши эгаллашда ўқувчилар дуч келадиган қийинчиликларни яхши тушуниб олиш имконини беради.

Ўқиши ўргатиш муаммоси мамлакатимиз ва хориж тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортган ва тортиб келмоқда. А.П.Гризулинанинг “Ўқиш хорижий тилни ўрганишда жуда муҳим бўлиб, унинг мақсади фан ва техниканинг турли соҳаларидаги ютуқлар билан таништиришидир. Бу нарса бизнинг асримиз учун ҳам зарур, чунки бирорта мамлакат фақатгина ўз ўқувчилари, муҳандислари, техниклари эришган ютуқлар билан чегараланиб қолмайди”, деган фикрлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Р.Л.Златогорскаяянинг қайд этишича, “Хорижий тилда ўқиш ўқувчини бошқа ҳалқларнинг маданий, илмий ва техниковий ютуқлари билан танишиш, уларнинг маънавий оламига кириб бориш қобилияти билан қуроллантиради”.

М.Л.Вайсбурд ва С.А. Блохиналар ўқиши ўрганиш — нафақат хорижий тилдаги матнни овоз чиқариб тўғри ўқиш малакасини эгаллаш, балки ундаги фикрни, ғояни, фактларни олишни, уни тушуниш, олинган маълумотни баҳолай олиш ва ундан фойдалана олиш демакдир, деб ҳисоблайдилар.

Бирок XXI аср бўсағасида, мамлакатимизнинг Умум Европа жамиятига кириши арафасида хорижий тилни ўқитиши конкретроқ ва мақсадга мувофиқроқ бўлиб қолди.

А.Ю. Горчев ва В.Н. Ивановаларнинг таъкидлашича, “Билишнинг қайсиdir соҳаси (гуманитар, табиий-математик ёки иқтисодий соҳалар) бўйича тил билимiga эга бўлиш қанчалик эрта бошланса, шунга мувофиқ тарзда хорижий тилга ўргатиш ҳам ихтисослик характеристига эга бўлади, ўша тилдан касбий мақсадларда самаралироқ фойдаланилади” .

Ўша муаллифлар ўқиши нутқий фаолиятнинг устувор, етакчи кўриниши сифатида ажратиб оладилар, чунки мутахассис хорижий тилдаги босма манбаларда ўз касбига доир маълутларни излаш, қайта ишлаш ҳамда ундан фойдаланиш имконига эга бўлади .

Матнни тушуниш жараёни ўрганувчининг келгуси ҳаётий тажрибасига таъсир этади, деб қайд этамиз. Аввалдан мавжуд бўлганларига қўшиладиган мавжуд бўлганларига қўшиладиган янги маълумот тушуниш жараёнига таъсир кўрсатади. Ўқиш жараёнида қабул қилинадиган маълумот маълум бир мўлжал (сценарий) асосида қурилади, унинг мақсади—олинган ахборотни яхлит ҳолда бирлаштиришдир.

А.Л.Льонтев, И.А.Зимняя, Г.В.Рогова ва бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, нутқий ирова ва уни тушуниш механизmlарида маълум ўхшашлик (аналогия) мавжуд бўлади. Муаллиф матнни олгач, белгиланган барча маълумотни китобхон онгига етказишга ҳаракат қиласи, бунинг

учун эса гипотетик ўкувчига таниш бўлган логик аргументация қонунлари асосида ўз матнини тузади. Муаллифнинг матн тузишига қараб, яъни унинг тузилишини ташкил этиши, ушбу матннинг бошқалар томонидан тўғри қабул этилишига қараб, тушунишнинг маълум жиҳатлари ва матннинг структур ташкил этилиши ўртасидаги қонуний алоқалар тўғрисида гапириш мумкин.

“Ўқиш нутқий фаолият тури сифатида перспектив-фикрловчи мнемик фаолият тарзида характерланади, амалга ошиш томони эса аналитик-синтетик характерга эга бўлади”, тушуниш жараёни эса – бу мураккаб фикрлаш фаолияти, хотирада эслаб қолишидир. Юқорида баён этилгандардан шундай муҳим холосага келиш мумкин: методист ўқитувчилар хорижий тилларни ўрганишда ўқишининг ролига нафақат зарур кўникмаларни эгаллаш воситаси, балки турли характердаги маълумотлар манбаи тарзида ҳам баҳо берадилар.

Ўқиш турлари таснифида С.К.Фоломкина таклиф этган ўқишининг коммуникатив табиати акс этган. Ўқишининг турли хил кўринишларига мос тарзда С.К.Фоломкина хорижий тилда матнларни ўқиш билан боғлиқ қобилияtlарнинг асосий турларини ажратади:

- Китоб, журнал, мақолани кўриб чиқиш, гап нима ҳақида бораётганини тушуниш, яъни мавзу ҳақида энг умумий тасаввурларга эга бўлиш қобилияти;

- Матн моҳияти билан танишиш, уни тушуниш, муаллиф ғоясини аниқлаб олиш қобилияти (бироқ бу ўринда ўқувчи ҳар бир сўзнинг маъносини тушуниши, ҳар бир фактни эслаб қолиши шарт эмас, чунки бундай ўқиш танишув характерига эга бўлиб, келгусида ундан фойдаланиш ёки маълумотни узатиш кўзда тутилмайди);

-Хорижий матннаги маълумотни имкон даражасида тўлиқ ва аниқ ола билиш қобилияти.

С. К. Фоломкина ўқиш жараёнидаги қўрсатиб ўтилган қобилияtlардан келиб чиқсан ҳолда ўқиш турларини белгилайдики, улар мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам кўз юргутириб қараб чиқувчи, танишув ва ўрганувчи ўқишига ўрганишда зарур бўлади. Бу кўриб чиқладиган, таништириладиган, ўрганиладиган ўқишидир.

В. В. Акуленконнинг таърифига кўра, (сўзлардаги) интернационаллашув “сўз ва терминларнинг маълум бир характеристикаси тарзида қабул қилинади: график (кўпинча орфографик) ёки фонетик жиҳатдан умумий семантикаси билан тўлиқ ёки қисман ўхшаш бўлган, халқаро аҳамиятга эга тушунчаларни ифодаловчи, бир неча (камида учта) қиёсланадиган (жумладан, қариндош бўлмаган ёки яқин қариндош) тилларда ҳозирги пайтда қўлланиладиган лексикалар тарзида қабул қилинади”

Ўқувчилар хорижий тилда берилган матнни ўқиш жараёнида интернационал ва ясама сўзларга дуч келишади. Улар бу сўзларнинг маъносини тез фаҳмлаб олишлари учун албатта булар борасида тушунча берилиши лозим. Чунки, инглиз ва рус тилларидаги интернационал сўзларнинг товуш ва график шакллари орасидаги фарқлар шу билан изоҳланадики, грек ёки лотин тилидаги қайсиdir сўз ўзлаштирилаётганда ўзининг дастлабки кўринишини кам ҳоллардагина сақлаб қолади; ўша сўз ўзлаштирилаётган тилнинг фонетик меъёрлари, грамматик қоидалари, сўз ясалиш моделлари ва семантик қонунияtlарига мувофиқ тарзда ўзгара бошлади. Ассимиляция жараёни кечади, ушбу шаклардаги ўхшашлик ёки фарқланиш даражаси айни шу жараёnnинг интенсивлигига боғлиқ бўлади. Бу эса бир ўзакдан келиб чиқсан инглизча ва русча сўзлар орасидаги яқинликни аниқлаш учун маҳсус таҳлил заруратини келтириб чиқаради. Масалан, инглизча *technology* она тилида ва рус тилида технология сўзлари аслида лотин тилидаги “маҳорат, усталик” маъноларида *techne* сўзига бориб тақалади. Матнда *technology* сўзини учратиб, дарҳол унинг интернационал сўз эканини билиб олиш осон эмас, унга мувофиқ муқобил сўзни ахтариб топиш, сўнгра тўғри таржимани бериш мумкин бўлади.

Хорижий тилга ўргатишига рус тили лугатларидан фойдаланиш муаммоси методистлар Г.А.Костерин, У.У.Колесник, К.И.Крупник ва бошқалар томонидан кўриб чиқилган. Бироқ уларнинг тадқиқотарида экологик характердаги матнларда умумўзакли сўзларни англаb олишга ўргатиши музммоси қараб чиқилмаган.

Масалан, И.И.Колесник ўз тадқиқотида ўқувчиларнинг хорижий матнларни ўқишини ва мазмунини тез англашга ўргатиши борасида русча сўзларга мос келадиган умумий ўзакли инглизча сўзларни танлаш, таҳлил этиши ва таснифлашни амалга оширган. Олиб борилган қиёсий чоғиштирма

таҳлил унга қўйидаги хулоса чиқариш имконини берган. Қиёсланаётган икки тилда умумўзакли сўзлар орасида график кўриниши ва мазмуний жиҳатдан фарқлар мавжуд. Умумўзакли сўзлар маъноларининг мос келиш даражасига боғлиқ тарзда уларни уч асосий гурухга ажратиш мумкинлиги ҳақидаги фикрига қўшилмаслик мумкин эмас:

Маъноси тўлиқ мос келадиган сўзлар.

Маъноси қисман мос келадиган сўзлар.

Маъноси умуман мос келмайдиган сўзлар.

Хорижий матнларни луғатсиз ўқиб ўрганиш борасидаги тадқиқотлар шуни қўрсатадики, К.И.Крупник ўқувчилар “потенциал луғати” муаммосини ўрганиб чиқиб, маъносини аниқлаш мумкин бўлган, ҳали ўрганилмаган лексик бирликлар мажмуи суратида унинг таърифини беради. Чунки ички тартиб омиллари асосида, яъни сўз ясалиш элементларини, умумий ўзакларни билиш, ўрганилган сўзларнинг маълум бўлган маънолари асосида уларнинг маънолари ҳам луғатсиз ўқиш жараёнида маълум бўлади.

Полисемия, конверсия, умумўзакли сўзлар, сўз қўшилиши каби ҳодисаларни ҳам К.И.Крупник ўқувчиларнинг потенциал луғати манбаларига киритади.

Н.Г.Мокреева эса ўрта мактабнинг юқори синфларида француз тилида ўқитишида ўрганилмаган сўзларни тушунишга ўргатиш муаммоси билан шуғулланган. Шу муносабат билан у шуни қайд этган: “ўрта мактабда хорижий тилни ўқитиш тажрибасини ўрганиш шундан дарак берадики, ўқишида матнларни тушунишдаги асосий тўсик –ўрганилмаган сўзлардир”.

Мазкур мезон (ўлчов)ларга мувофиқ тарзда таянадиган сўзларнинг қўйидаги гурухлари ажратилган:

-Аввал ўрганилган, аммо бошқа вазифада қўлланилган, товуш–график кўриниши мос келадиган сўзлар.

-Аввал ўрганилган сўзлар билан фақат ўзаги товуш–график жиҳатдан ўхшашибўлган сўзлар – ясама сўзлар.

-Товуш–график кўриниши она тилидаги сўзларга ўхшашибўлган сўзлар –интернационал сўзлар.

Мазкур уч гурухдаги сўзлар Н.Г.Мокрееванинг тадқиқотига лисоний материал бўлган. Н.Г.Мокреева томонидан қўйидагиларга таянган ҳолда ҳали ўрганилмаган французча сўзлар устида ишлашнинг икки ёндашуви ишлаб чиқилган:

Ажратиб олинган сўзлар билан ишлаш, кейин контекст (матн)даги сўзлар билан ишлаш, ниҳоят контекстдаги мазмуний омиллардан фойдаланишга ўргатиш бўйича ишлар.

Н.Г. Мокреева томонидан олинган экспериментал маълумотлар гурухи қўрсатадики, ҳали ўрганилмаган сўзларни тушунишга ўргатишдаги энг самарали усул ишларнинг кетма-кетлиги бўлиб, ажратиб олинган сўзлар билан ишлаш контекст билан ишлашга қўшилиб кетади.

Демак, ўқишида ўрганувчиларга умумий ўзакли сўзлар маъносини тўғри ишлашга ўргатиш муаммоси билан мамлакатимизнинг тажрибали методистлари шуғулланишган ҳамда улар томонидан мазкур мавзу доирасида кўплаб тажриба-синов ишлари амалга оширилган, қўрсатиб ўтилган тадқиқотларда юқори натижаларга эришилган.

Мазкур муаммо бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўқиши жараёнида ўқувчилар потенциал луғатини бойитиш бўйича ишларнинг зарурлигини қўрсатади. Чунки инглиз тилидаги матнларда кўпгина умумўзакли сўзлар мавжуд бўлиб, потенциал лексикани ўргатиш натижасида матнларни тушунишини осонлаштиради, англаб етишга кетадиган вақтини тежайди, бинобарин, асосий мазмунини тушуниб ўқиши жараёнини тезлаштиради.

## **Адабиётлар.**

1. Вайсбурд М.Л., Блохина С.А. Обучение пониманию иноязычного текста при чтении как поисковой деятельности // Иностранные языки в школе. - 1997. -№1. -С. 19.
2. Костерин Г.А. и сооемности обучения чтению и пониманию специальной литературы в неязыковом вузе: Дис... канд. пед. наук. - М., 1965.

3. Крупник К.И. К проблеме чтения на иностранном языке (прогнозирование вероятности понимания слов): Дис. ... канд. пед. наук. - М., 1968. -С.26.
4. Фоломкина С.К. Зависимость типов упражнений от видов чтения. - В сб.: Методические записки по вопросам преподавания иностранных языков вузе. - М., 1970. - С. 3-18.
5. Мокреева Н.Г. Обучение пониманию неизученных слов при чтении на французском языке (в старших классах средней школы): Дис.... канд. пед. наук. -М., 1970.-С. 9.

